

---

## **БАЙРАМ ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛДИ**

**Бугун Риштон туманидаги “Оққўш” тўйхонасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари ходимлари куни муносабати билан туман ИИБ ходимлари учун байрам тадбири бўлиб ўтди.**

Тадбирда Вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари Файзулла Ортиқхўжаев, туман хокими Суфҳонжон Солиев, туман ИИБ раҳбарияти ва ҳамкор ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари иштирок этишди.

Тадбир бошида Вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари Файзулла Ортиқхўжаев ва туман хокими Суфҳонжон Солиевлар сўзга чиқиб устоз ва мураббийларни ҳамда эл-юрт тинчлиги, фуқаролар хавфсизлиги йўлида меҳнат қилаётган ИИБ ходимларига мустаҳкам соғлиқ, машаққатли лекин шарафли касбларида улкан зафарлар ёр бўлишини тилаб касб байрамлари билан табриклаб ўтдилар. Тадбир давомида ўзининг намунали ҳулқи, касбга бўлган садоқати, юксак интизоми билан сафдошларидан ажралиб турган бир қатор ходимлар қимматбаҳо эсдалик совғалари, фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

2021-11-03 09:47:40